

**QO'QON TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**



**KOKAND INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

150700, Qo'qon shahar, I.Buxoriy ko'chasi, 37

150700, Kokand, I.Bukhari street, 37

Tel: (+99873) 543-48-15

e-mail: [i.guqon@sud.uz](mailto:i.guqon@sud.uz)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Қўқон шаҳри

2022 йил 19 декабрь

4-1502-2201/4247-сон иш

Қўқон туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Маматкуловнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи-“Аризачи ташкилот номи”нинг жавобгар-“Жавобгар ташкилот номи” масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган ишни, суд биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

“Аризачи ташкилот номи” (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар-“Жавобгар ташкилот номи” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги учун унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачи ва жавобгар вакиллари белгиланган тартибда суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлсада, улардан суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддасида бундай ҳолда иш жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги, ИПК 220-моддасининг биринчи қисмида эса, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмаслиги белгиланган. Шунга асосан, суд мазкур ишни тарафларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги тўпланган далилларни текшириб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда СК деб юритилади) 82-моддасининг биринчи қисмида солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши, СК 273-моддасининг биринчи қисмида эса, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кундан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги белгиланган.



Иш ҳужжатларидан ҳамда аризачи вакилининг суд муҳокамаси давомида берган тушунтиришларидан аниқланишича, жавобгар 2022-йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаган.

Солиқ ҳисоботини тақдим этиши, солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганда банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида огоҳлантирилиб, солиқ органи томонидан жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома юборилган.

Жавобгар солиқ ҳисоботи тақдим этмагандан сўнг солиқ органи раҳбари томонидан жавобгарнинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операцияларини ўн кунга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу ҳақда жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома юборилган.

Бирок, жавобгар солиқ органига солиқ ҳисоботи тақдим этмаган. Шу сабабли, аризачи жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраб судга ариза билан мурожаат қилган.

СК 111-моддаси учинчи қисмининг 1-бандига мувофиқ, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қўлланилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, жавобгар солиқ ҳисоботини бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этмаган. Ушбу ҳолат иш ҳужжатлари ҳамда аризачи вакилининг суд муҳокамаси давомида берган тушунтиришлари билан тасдиқланади.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Таъкидлаб ўтилган қонун нормаларига асосан, ушбу ҳолат жавобгарнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун аризачи томонидан билдирилган талабни қаноатлантиришга ва жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни СК 112-моддаси биринчи қисмининг 1-банди асосида қарор қабул қилингунга қадар, яъни солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйишга асос бўлади.

Мазкур ҳолатда, суд аризачи томонидан билдирилган талабни асосли деб ҳисоблайди ва уни қаноатлантиради.



“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Шунга кўра, иш юзасидан давлат божи ундирмаслик лозим бўлади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда СКнинг 111-моддаси, ИПҚнинг 118, 128, 170, 176-179, 216, 217, 220-222-моддаларини қўллаб, суд

### **ҚАРОР ҚИЛДИ:**

Ариза қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Жавобгар ташкилот номи” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича операциялари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддасининг биринчи қисмига асосан солиқ ҳисоботи солиқ органига тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Ҳисоботлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, “Жавобгар ташкилот номи” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялари аризачи “Аризачи ташкилот номи”нинг қарори (расмий хати) билан тиклансин.

*Ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.*

**Раислик қилувчи**

**Ж.Эргашев**

